ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ТИЛСИМИ: ИНСОН ВА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ (ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

Нарзулла Жўраев
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори.

Аннотация. Инсоният глобал аҳлоқий таназзул, қадриятлардан узоқлашиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Худбинлик, манфаатпарастлик, инсоний фазилатларнинг йўқолиб бориши ўзини-ўзи сўндириш кайфиятини чуқурлаштирмоқда. Бу башарият тақдирига таҳдид солмоқда. Инсониятнинг минг йилликлар мобайнида тўплаган қадриятларини барбод этмоқда. Бундай умумпланетар маънавий, аҳлоқий, руҳий ўзгаришлар атоқли адиб Ч. Айтматов инсон ва ҳаёт фалсафасининг асосини ташкил этади. Ер шари ҳаммамизнинг, 8 млрд одамзотнинг ягона нажот майдони, бугуни ва истиқболи, саодати ва таназзули билан боғлиқ бўлган умуминсоний ғоя илгари сурилади.

Калит сўзлар: глобал, Ер шари, инсон, аҳлоқ, маънавият, фан-техника, цивилизация, генетика, эмбрион, космос, зурриёт, олам, табиат, исён.

Инсоният ҳаёти ривожланиб боргани сари глобал тараққиёт глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугун бир миллат ўз миллий қобиғида тўлақонли, бахтли, саодатли яшаши мумкин бўлмай қолганлигини дунё чуқур англамоқда. Ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирини англаш, бир-бирини қадрият сифатида баҳолай билиш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Маданиятлараро мулоқотнинг қалб билан, онг билан, тафаккур билан ва қолаверса, иймону эътиқод билан боғлиқ эканлигини англаш долзарб масалага айланмоқда.[1] Ана шундай маънавий-руҳий бўҳронлар жараёнида миллати, элати, диний эътиқоди, танасининг ранги ва ақидаларидан қатъи назар умумий хонадонимиз бўлган Ер шарини асраш, унинг истиқболи олдида жавобгарликни чуқур ҳис қилиш Чингиз Айтматов ижтимоий фалсафасининг бутун мазмунига айланган. Инсон виждонини уйғотиш, унинг иймонини жонлантириш, мардлик, жасурлик, инсонпарварлик туйғуларини қўзғатиш ҳисси адиб асарларининг туб моҳиятини белгилайди. Инсон ўзининг инсон эканлигини унутмаслиги, ўзини ўзи қадрият сифатида англаши ва жамият ҳаётида ўзини қадриятга айлантира олиш орзуси Чингиз Айтматов бадиий тафаккурининг таянчи ҳисобланади.

Адабиётга маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий эҳтиёж нуқтаи назаридан қарасак, у ҳар бир инсон дунёқараши, ақлий салоҳияти, тафаккур тарзи бевосита ижтимоий моҳиятга эгалигини ва бу моҳият инсониятнинг бугуни ва истиқболини белгилайдиган асос эканлигини чуқур англаймиз. Чингиз Айтматов тасаввурида инсоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши улкан ижтимоий-тарихий жараён. У доимий равишда ўзини ўзи

[1] Фукуяма Ф. Конец истории и последнкй человек. Аст. М.; 2004

бойитиб, ривожлантириб, такомиллаштириб борадиган тирик ҳодиса. Инсоннинг маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий даражаси жамият моҳиятини, тақдирини белгилайди.

Чингиз Айтматов фалсафий тафаккурининг бутун моҳиятини умуминсоний қадриятлар ташкил этади. Қирғиз болакайи ("Оқ кема")[1] ва Жамилага ("Жамила")[2] ўхшаган бева келинчак сингари оддий одамлар қалби орқали бутун инсоният – у япон бўладими, инглиз бўладими, хитой ё араб бўладими, рус ёки ўзбек бўладими, бундан қатъий назар, инсон кечинмаларини, орзулари ва армонларини, севинчлари ва ситамларини юксак маҳорат билан баён этади ва умуминсоний кечинмалар чўққисини ташкил этади. Шунинг учун Ер юзидаги саккиз миллиард одам Айтматов образларида ва ғояларида ўзини кўради.

Бундай ғоятда кенг тафаккур ва маънавий-руҳий занжир одамларни авлоддан авлодга боғлаб туради, оламни яхлитлигича англашга ва бир бутун Ер шари тақдири учун жавобгар эканлигини, масъуллигини тушунишга чақиради. Охир-оқибатда Ер шари бизнинг ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз, нажот майдонимиз, бугунимиз ва истиқболимиз, бутун саодатимиз ва таназзулимиз билан боғлиқ бўлган муқаддас маконлигини англашимизга олиб келади. Инсонпарварлик ғояларининг узундан узоқ, мингйилликлар қаъридан бугунгача давом этиб келаётган қадриятларини ривожлантиришни, уларнинг генетик асосларини чуқур ўзлаштириш орқали тўпланган маданий қадриятлар ва ақлий тажрибаларни ишга солишимизни тақозо этади. Ч.Айтматов ғоялари ана шундай умумсайёравий моҳият касб этади.

"Сомон йўли"[3] қиссасида уруш йиллари фожеаларини ифода этилади. Асар бош қаҳрамони ёши улуғроқ Тўлғаной-она ва Она-Ер мулоқоти тарзида яратилган. Она образи айтиш мумкинки, Ер юзидаги барча аёлларнинг кечинмаларини, қалб изтиробларини, севинчларию андуҳларини ўзида мужассам этган. У тинчликни истайди, бахтли, саодатли ҳаётни қўмсайди. Зотан, хотиржам яшаш, осудалик билан турмуш кечириш инсоният орзуси! Бироқ Тўлғаной уни ҳаммадан кўра чуқурроқ тушунади, ҳаммадан кўра кенгроқ тасаввур қилади. Инсон – Она ва Она-замин ўртасидаги мулоқот, кўнгил изҳори, дарду ҳасратлар, нафрату муҳаббат муножоти фалсафий-бадиий оҳангда баён этилган. Бу мулоқотда тинчлик ва инсонпарварлик, ватанга муҳаббат, ижтимоий тараққиёт ва саодатли ҳаёт бош ғоя қилиб олинган. Тарихий тақдирнинг аянчли даврида инсон моҳияти ва унинг ижтимоий мазмуни ғоятда юксак даражада ифода этилади. Бу хаёт фалсафасини бадиий талқини эди.

Инсон буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилиш билан бирга айни ана шу умумсайёравий тараққиётни издан чиқаришга, инсоният мингйилликлар мобайнида эришган юутуқларини барбод этиш қудратига ҳам эга. Шу билан бирга инсон баъзан шу даражада майда, тор манфаатлар қурбонига айланиб қоладики, бу ўзининг шахс сифатидаги қадриятини мутлақо англамасликдан, ўзини ўта майдалаштириб қўйганидан келиб чиқади. Дейлик, кундалик маиший ҳаётда икки қўшни бир қарич ер устида талашади. Бири "Ана шу бир қарич ер маники" деса, бошқаси "Сеникимас, меники" дейди. Ёқалашишади, юз кўрмас бўлиб кетишади. Ваҳоланки, уларнинг оёғи остида жимгина турган, инсоннинг ниҳоятда тубан, разил, пасткаш, худбин ва майдалигидан қалби зардобга тўлган Замин эса "Сенларнинг иккаланг ҳам меники" деяётганини англашмайди. Момо Ер ғоятда марҳаматли, мурувватли, мушфиқ ва меҳрибон эканлигини тасаввур ҳам қилишмайди. Чингиз Айтматов фалсафасида оддий кундалик ҳаётдаги келишмовчиликлар, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, ўта тор манфаатипарастлик устун келган ҳолатлар орқали инсон фожеаси ғоятда чуқур таҳлил қилинади. Тўлғаной она ва Она-Ер мулоқоти ана шу тарзда умуминсоний тафаккурнинг буюк чўққисига айланади.

Тўлғаной онанинг изтироблари кишилик жамияти тақдири, инсон моҳияти, унинг маънавий-ахлоқий олами ва мураккаб, зиддиятли феъл-атвори орқали намоён бўлади. Чингиз Айтматовнинг тафаккур дунёси, унинг буюк идеаллари Тўлғаной она кечинмаларида ўз ифодасини топган. Инсон қандай жонзот?, У қандай олам?,- деган саволга она кечинмалари

[1] Айтматов Ч. "Оқ кема". Янги аср авлоди. Т. ; 2007
[2] Айтматов Ч. "Жамила". Асарлар тўплами. Янги аср авлоди. Т. ; 2008
[3] Айтматов Ч. "Жамила". Асарлар тўплами. Янги аср авлоди. Т. ; 2008

орқали жавоб излайди. Тўлғаной она тимсолида миллати, ирқи ва мақсадларидан қатъий назар барча оналарнинг орзу-армонларини Ер шари тақдири билан боғлиқ бўлган ва инсоният истиқболи учун жавобгарликни ҳис қилган мушфиқ ва меҳрибон, эзгулик тимсоли бўлган умумбашарий Она образини яратади.

Момо-Ер – одамзотнинг онаси. Ер юзидаги саккиз миллиарддан ортиқ инсонга ризқу рўз, ҳаёт, бахт, саодат ҳадя этаётган замин кечинмалари юксак фалсафий мушоҳада тимсолига айланган мушфиқ онанинг ғамгусор, қалби яраланган, руҳияти шикаста, айни пайтда улуғвор ва маҳобатли Она тимсолидир. Фалсафий мушоҳада шу даражада чуқурлашиб, умуминсоний моҳият касб этадики, Ер шарининг, бутун мавжудоднинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ниҳоятда дардчил, айни пайтда баланд оптимистик кайфиятда кашф этилади. Бу Айтматов фалсафасининг ғоятда кенг қамровли космик кенгликлар тимсолидаги кўринишидир.

Жуда тез ўзгараётган дунё, тобора авж олаётган манфаатлар тўқнашуви, худбинлик ўзининг янгидан янги қирраларини намоён қилаётган мураккаб бир шароитда инсон кечинмаларини, қалб изтиробларини икки мўътабар она тимсолида кўриш мумкин. Бу умумдунёвий ва умуминсоний ҳаёт тақозоси, истиқбол олдидаги жавобгарликнинг ёркин намунаси сифатида ҳар бир одам мудроқ қалбининг уйғонишига, виждонининг покланишига олиб келади.[1] Натижада, Чингиз Айтматов фалсафаси инсон ва инсоният, одам ва олам истиқболи билан боғлиқ бўлган буюк тафаккур сифатида ўз қудратини намоён этади.

Айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов асарларида битта яхлит ва узлуксиз тизим, маънавий-ахлоқий қарашлар илгари сурилади ва у концептуал моҳият даражасига кўтарилади. Айтматов маънавий-ахлоқий концепциясининг маънавий парадигмасида халқ оғзаки ижоди, афсоналар, асотирлар, ривоятларнинг бир неча минг йиллик анъанавий эволюцияси, унинг тадрижий ривожи ва кишилик тараққиёти жараёнларидаги ўрни катта аҳамият касб этади. У оддий ривоятлардан, афсоналардан умуминсоний мантиқ излайди ва уни муваффақиятли таҳлил қилади. Афсоналар ва ривоятларни бугунги тезкор, шиддатли жараёнларга табиий ҳолатда боғлаб, истиқболга қаратилган, мантиқий асосланган ғояларни илгари сурадики, бу адибнинг улкан фалсафий тафаккуридан, ҳаёт фалсафасини ғоятда чуқур англаган улкан имкониятидан далолат беради. Ана шундай ҳолатда Чингиз Айтматовни йирик файласуфгина эмас, айни пайтда руҳшунос, тарихчи, этнограф, демограф, физик, астроном сифатида ҳам тасаввур қилиш мумкин бўлади. Унинг ҳар қандай асарларининг асосий лейтмотиви умумпланетар моҳиятга асосланади. Тарихий, фалсафий мазмуни, ижтимоий моҳияти чуқур психологик таҳлил, маънавий-маърифий ва бадиий тафаккурнинг бетакрор ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Чингиз Айтматовнинг мантиқий асосларига назар ташлар эканмиз, битта буюк қадрият кўзга яққол ташланади: инсон фақат ўз шахсий ҳаётини юксак ахлоқ ва маънавият асосида кургандагина ўзини тўлақонли инсон сифатида намоён эта олади. Инсоният тараққиёти, замонавий цивилизация эса фан-техника тараққиёти билан бирга ахлоқий муносабатларни асос қилиб олмаса таназзулга учрайди. Зотан, ҳар қандай тараққиётнинг асоси – ахлоқ! Ҳар қандай цивилизация таназзулининг асоси – ахлоқсизлик!

Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси"[2] романи жаҳон адабиётида кутилмаган воқеа бўлди. Филофей образи нафақат кишилик ҳаётини, бутун борлиқни ўзгартирувчи ва айни пайтда ҳар бир инсоннинг ўзи ҳақида ўйлашига, ўзининг кимлигини, қанақа одамлигини, нималарга қодирлигини ўйлаб кўришига, англашига, ўзига ўзи муносиб баҳо бера олиш каби ички маънавий қудратга, руҳий иродага эга бўлишга даъват этадиган афсонавий воқелик. Самовий монах Филофей бу оламнинг бутун кирдикорларини – яхшилигию ёмонлигини, эзгулигию ёвузлигини, ёруғу қоронғу томонларини фавқулодда изтироб ва кучли маънавий ирода билан очади.

Ч. Айтматов қадимги юнон мифларидан унумли фойдаланади. Дунёда жамики ёвузликлар, ёмонликлар, сотқинликлар ва мунофиқликларнинг тимсоли бўлган аёл – она

[1] Освин И. "Шестое вымирение" Яуза. М.; 2015
[2] Айтматов Ч. "Касандра тамғаси" Янги аср авлоди. Т; 2019

Кассандранинг замонавий образини яратади. Кассандра пешонасидаги тамға унинг шаъни, борлиғи, мақсадлари ва идеалларининг ёвузлик белгиси. Романда адибнинг фавқулодда катта билимга, диний ва дунёвий фанларнинг бир неча йўналишида фикрлай оладиган ва уни синтезлаштириб ягона қиёфага жойлаштира билишдек фавқулодда фалсафий-бадиий қудратга эгалиги намоён бўлади. Асар моҳиятини, илгари сурилган ғояни тўлиқ англаш учун, айтиш мумкинки, фақат адабиётни тушунишнинг ўзи камлик қилади. Бошқача қилиб айтганда фалсафа, антропология, психология, мантиқ, тарих, социология, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, диншунослик, маданиятшунослик сингари ижтимоий фанлар қаторида табиий ва аниқ фанлар, жумладан, биология, анатомия, тиббиёт, физика, электроника ва информатика, генетика, ген муҳандислиги ва бошқа қатор фанлар ҳақидаги тасаввурларни ҳам тақозо этади.

Баён этилишича, муртак-эмбрион она қорнида икки хафталигидаёқ ташқи оламни ҳис қилди. Кишилик ҳаётидаги барча яхшилигу ёмонлик, муҳаббату нафрат, эзгулигу ёвузлик, бағрикенглик, мурувватлилик, ўзаро ҳурмат туйғулари билан бирга, сотқинлик, мунофиқлик, ҳасад, кўраолмаслик ҳисларининг ўзаро тўқнашувларини кичкина ҳужайра ҳис қила бошлайди. Ана шундай мураккаб драматик ҳолатда муртак-эмбрион "Одам бўлиб туғилсаммикан, туғилмасаммикан? Бу нобакор дунёда, инсон деган нокасу нотавон жонзот туфайли абгор бўлган, ҳиёнат, сотқинлик, мунофиқлик қуршаб олган иркин ҳаётда туғилишим, яшашим шартми?", деган иккиланишлар изтиробини чекади. Бу инсониятга қарши исён эди.

Ч. Айтматов романдаги айни ана шу мураккаб ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: "Бу фантазиямнинг марказий ўзаги одам организмининг туғилгунига қадар ҳам фикрлаш қобилиятига эгалиги – келажакда бўладиган воқеаларга ўзининг муносабатини билдириш ва она қорнидаги ҳаётнинг дастлабки ҳафталаридаёқ фалокат сигналини узатиш қобилиятининг борлигидир. Сўнгра бу қобилият сўнади, эмбрион бўладиган воқеаларга аста-секин кўникиб боради. Шундай қилиб, пешонаси тамғали Кассандраларнинг кейин туғиладиган фарзандларининг тақдири салбий бўлади, дейилади романда". Демак, Касандралар кўпаяяпти, урчияпти. Оламни ифлослик, палидлик қамраб олаяпти.

"Одам бўлиб туғилсаммикан, туғилмасаммикан..." Ҳали одам қиёфасига кирмаган ҳужайранинг мутлақ покиза, табиий ва илоҳий томондан стерилланган оламдаги – она қорнидаги ҳаётида шунчалик изтиробга тушиши инсон қанчалар буюк ва тубан эканлигини кўрсатмайди. Инсоният келажаги инқирозга учраётганидан сигнал эмасми. Бу – бутун инсониятга қарши исён. Айтматов буюк фалсафасининг моҳияти мана қаерда очилади!

Ҳужайра ёвузлик тимсоли бўлган онасининг кирдикорларини сезиб турибди. Унинг феъл-атворини, қарашларини, хатти-ҳаракатларини ҳис қилаяпти. Наҳотки мен ҳам генетик жиҳатдан, ирсий боғлиқлик нуқтаи назаридан ёвузлик тимсоли бўлиб дунёга келсам, инсониятга фақат ёмонлик қилишдан роҳатланадиган бедаво одамга айлансам, деган афсус-надоматдан азоб чекаяпти.

Чингиз Айтматов ҳали туғилмаган, ҳали одам шаклига кирмаган эмбрион қобилиятини бир неча ҳолатларда кўради. Жумладан, фикрлаш ва тақдирини олдиндан билиш, ўз муносабатларини билдириш, яхшилик билан ёмонликни, эзгулик билан ёвузликни фарқлаш, қаршилик кўрсатиш, рад қилиш, маълумлик ва номаълумликни ажратиш ва ниҳоят вақт ўтиши билан кўникиш.

Юқоридаги ҳолатлар кўз илғамас зарранинг ўзига хос имкониятлари. Бироқ вақт ўтиши билан мавжуд вазиятга кўникиш ҳисси инсон феноменида унинг маънавий-ахлоқий оламини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади. Кўникиш – инсонга хос. У ҳар қандай ҳаёт шароитига мослашишга эҳтиёж сезади. Бироқ бундай кайфиятнинг икки жиҳати бор. Биринчиси, инсон мажбур бўлганидан турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, мунофиқликлар оламида ўзини асраш, буюк идеалларини, олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун кўникишни имконият деб тушунади. Бу маънавий юксак, маърифатли инсонларгагина хос бўлган олий фазилат.

Кўникишнинг иккинчи салбий жиҳати борки, бу иродасиз одамларни пассивлаштиради, уларнинг кайфиятида бефарқлик, лоқайдлик, боқимандалик, охир-оқибатда эса ҳаётдан умидсизлик иллатларини кучайтириб юборади.

Афсуски, жамиятда иккинчи тоифа одамлар қатлами кенгайиб, Инсон деган олий хилқат ҳашоратга, қурт-қумурсқага айланиб бораяпти. Улар қадриятларни кемириб, инсоний туйғуларни сўндиришмоқда. Чингиз Айтматов инсониятни, ҳаммани биринчи тоифадаги одамлар қаторида кўришни истайди.

Филофей осмондан туриб инсониятнинг ягона макони, нажот майдони Ер юзидаги фазилатлару иллатлар, яхшиликлару ёмонликлар, эзгуликлару ёвузликлар тўқнашувини кўрар экан, охир замон ҳақидаги изтиробли хулосаларга келади. Бу Чингиз Айтматовнинг Филофей образи орқали ифодалаган қалб изтиробларининг ёрқин фалсафий-руҳий ақидаси.

Ана шу тарзда одам ва олам, инсон ва табиат ўртасидаги зиддиятли муносабатлар фалсафий таҳлил этилади. Буни Чингиз Айтматов қуйидагича изоҳлайди: "Агар эмбрион-ҳомила ташқи дунёдан ҳеч қандай ахборот олмаганида ёки фақат яхши ахборот олганида туғилишга тўппа-тўғри йўл олган бўлар эди. Лекин, салбий, азоб-уқубат кутилаётгани ҳақидаги ахборотлар бундай қарорга келмасликка сабабдир. Кассандра тамғаси – ҳали она қорнида яшаб охирги замонни безовта бўлиб кутаётган эмбрионнинг ичкаридан бераётган акс садосидир. Бу эса уни табиий ҳаётга интилишини йўққа чиқаришга ундайди. Мабодо бундай салбий ўйлайдиган эмбрион охир-оқибатда туғилса, бу фақат мажбур этиш оқибатида туғилишдир. У туғилганидан сўнг мажбур этилганига жавобан ўзи куч ишлатишга мойил бўлади. Бу жуда мураккаб руҳий драматизм. Дунёдаги савдойилар, жаллодлар, жиноятчилар, ўғрилар, текинхўрлар, ишёқмаслар, зўравонлар, сталингитлерлар ёки гитлерсталинлар мана шу тарзда туғиладилар". Бу ўта мураккаб, фалсафий-психологик ҳолат. Бу биологик мавжудотнинг моҳиятига ақл орқали кириш, унинг ҳолатини ва истиқболини аниқлаш билан боғлиқ бўлган жуда катта ва айни пайтда ўта нозик тафаккурни тақозо этади. Дунёни ёвузликдан асраш мукинми? Борликни, табиатни, ягона нажот ва ҳаёт манбаи бўлган Она Заминни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш мумкинми? Жонзотлар орасида фақат Инсонгина энг охирги ёмонликларни қилиши мумкин. Чунки унга илоҳий ва табиий томондан ақл, тафаккур, фикрлаш имконияти берилган. У барча эзгуликлару ёвузликларни ақл билан қилади. Ана шуларни ўйлаганинг сари қалбингнинг туб-тубидан изтироб тўла нидо келади: "Ақлнинг дастидан дод!".

Одамларнинг яхши ёмонлигини олдиндан билишга фаннинг кучи етмайди. Эмбрионнинг эндигина уйғониб, "Одам бўлиб туғилсаммикан, туғилмасаммикан?" деган ҳолатида унинг келажагини башорат қилиб бўлмайди. Бунинг иложи бўлганда эди, балки ёмонларни, ёвузларни эмбрионлигидаёқ йўқ қилиш мумкин бўлар эди. Ана шунда инсоният бунчалик кулфатларни кўрмасди. Дунё ёвузликдан қутилган, эзгуликлар авж олган бўларди. Қирғинбарот урушларга чек қўйилиб, инсон ақли фақат тараққиётга, саодатли турмуш ва фаровон ҳаётга хизмат қилар эди.

Касандра-она тимсолидаги оналар ҳомиласини ҳомилалигидаёқ йўқ қилиш, олиб ташлаш мумкин. Бироқ, бу билан масала ҳал бўлди, олам гулистон дегани эмас. Масаланинг бошқа оғир маърифий-инсонпарвар томони ҳам бор: ёвуз киши ҳам одамку! У айни пайтда ҳам жиноятчи, ҳам инсон! Яъни одам жиноятчи бўлса ҳам уни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ўзи жиноят. Демак, ёмонлар яхшилар билан, ёвузлар эзгулар билан абадий ёнма-ён яшайверишади. Бундай ахлоқий шароитда эзгулик тантана қилсаку нур устига аъло нур! Агар ёвузлик ғолиб келса, охир замон бўлади!

Хулоса қилиб айтганда, Чингиз Айтматов бутун моҳияти билан жаҳон маданиятининг феномени. Унинг фалсафасини, даҳолик қудратини Инсон деган буюк ва айни пайтда мубҳам олам сир-синоатларини, бутун зиддиятлари, қарама-қаршиликлари ва ғоятда улкан интеллектуал салоҳиятининг бадиий таҳлили орқали кишилик ҳаётининг истиқболидан башорат деб тушуниш мумкин. Бу маҳобатли фалсафий тафаккур глобал дунёни ва инсониятни асрашда, кишилик тараққиётида эзгуликни ҳимоя қилишда, замонавий цивилизацияни яхшилик сари буришда қудратли омил бўлиб хизмат қилаверади.